O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 4-dekabr • Seshanba • 147 (27.792) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!»

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси тўғрисида ахборот

**2007 йил 1 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.**

Парламент юқори палатаси аъзолари ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йил 23 январдаги ПҚ–573-сонли Қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошладилар. Сенаторлар таъкидлаганидек, Қонуннинг асосий мақсади бола ҳуқуқлари соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмини такомиллаштириш йўли билан болаларни, шу жумладан етим болаларни ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалдаги тизими самарадорлигини оширишдан иборатдир. Мазкур Қонуннинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларида назарда тутилган бола ҳуқуқларининг барча асосий ва қўшимча кафолатларини жамлаган тарзда мужассам этади ҳамда мустаҳкамлайди.

Манзил-колония ҳудудини ўзбошимчалик билан ташлаб кетган маҳкумга нисбатан уни сақлаш режимини ўзгартириш тартибини такомиллаштиришга қаратилган «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 542-моддасига қўшимча ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 61-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам сенаторлар томонидан кўриб чиқилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг «Ҳукм, ажрим ва қарорни ижро этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш тартиби» деб номланган 542-моддаси жазони ижро этиш муассасаси ҳудудини ёки маъмуриятнинг йўлланмаси бўйича ўзи туриши лозим бўлган бошқа жойни ўзбошимчалик билан ташлаб кетган маҳкумни манзил-колониядан бошқа тартибли колонияга ўтказиш тўғрисидаги масала прокурорнинг илтимосномасига биноан суд томонидан кўриб чиқилишини назарда тутувчи иккинчи қисм билан тўлдирилмоқда. Маҳкумнинг судда ҳозир бўлишини таъминлаш имконияти бўлмаган тақдирда, мазкур масала суд томонидан маҳкумнинг иштирокисиз кўриб чиқилади. Шу билан бирга, маҳкумни қамоққа олиш ва унга нисбатан қидирув эълон қилиш ҳақидаги масала суд томонидан ҳал қилиниши мумкин.

Шундан кейин парламент юқори палатаси аъзолари Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамкорлик соҳасига доир қатор ҳуқуқий ҳужжатларни кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Булардан бири «Ўзбекистон Республикасининг Почта тўловлари хизматлари тўғрисидаги Битимга (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь) қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидир.

Почта алоқаларини йўлга қўйиш ва такомиллаштиришни таъминлаш ҳамда бу соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш мақсадини кўзловчи Умумжаҳон почта иттифоқига Ўзбекистон Республикаси 1994 йилдан бери тўла ҳуқуқли аъзодир.

Мазкур Иттифоқнинг почта тўловлари хизматлари тўғрисидаги битими пул маблағларини жўнатиш ва етказиб бериш билан боғлиқ почта хизматларини тартибга солади.

Сенаторлар «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисида Шартномани (Тошкент, 2007 йил 14 март) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам кўриб чиқдилар. Шартнома ҳар иккала томоннинг жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган, жазога тортилишга мустаҳиқ ҳар қандай ҳуқуқбузарликка нисбатан жиноят ишлари бўйича тергов олиб бориш, жиноий таъқиб қилиш ёки суд ишларини юритишда бир-бирларига ёрдам беришга йўналтирилган бўлиб, унда ўзаро ҳуқуқий ёрдам турлари, Томонларнинг ваколатли марказий органлари, сўралаётган ҳужжатларни тақдим этиш муддатлари тўғрисидаги аниқ қоидалар бор.

Шундан кейин «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида транспорт ва товарлар транзити соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2007 йил 14 март) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилди. Уни муҳокама қилиш асносида сенаторлар мазкур Битим ҳар иккала мамлакат ўртасида юк транспорти қатновини, шунингдек, учинчи мамлакат орқали транзитни амалга оширишни осонлаштириш мақсадида транспорт ҳамда товарлар транзити соҳасидаги ҳамкорлик масалаларини тартибга солишга қаратилганлигини таъкидладилар.

«Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияни (Париж, 2003 йил 17 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам сенаторлар томонидан кўриб чиқилди.

*(Давоми 2-бетда)*

### Ҳаж зиёратига йўл олдилар

2

**Ўзбекистон Мусулмонлари идорасидан маълум қилишларича, истиқлол йилларида 60 минг нафарга яқин юртдошимиз ҳаж зиёратига бориб келган...**

### «Соғлом маҳсулот»

3

**...«Шўрчи дон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятида унни бойитиш борасида талай ишлар амалга оширилмоқда. Халқимизга сифатли ва витаминларга бой ун етказиб бериш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида 1- ва 2-тегирмонларга умумий қиймати қарийб 20 миллион сўмлик 5 та «DBIS-1» дозатор (премиксни унга аралаштириш мосламаси) ўрнатилди. Уч ойда 24 минг тоннага яқин бойитилган 1-навли ун ишлаб чиқарилди.**

### «Дилфуза»нинг матонатли қизлари

4

**Дилфуза Бўронованн бугун Қашқадарёда кўпчилик танийди, десак ишонаверинг. Энг аввало қисматнинг оғир синовларини мардона енгган бу иродали қиз икки йилча аввал Тошкентга ҳунар ўрганиш учун кетганида айримлар ажабланганди. Негаки, ўзи ногирон бўлса, нима қиларкин жонини қийнаб, деганлар ҳам бўлган экан.**



келажак овози

## Ёшларга қанот бўлаётган танлов

**1 декабрь куни пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги саройида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган «Келажак овози — 2007» республика ёшлар танлови ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

Шу муносабат билан бу ерга талаба-ёшлар, уларнинг ўқитувчи ва мураббийлари, ота-оналар, жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилиниб, ўзининг амалий ифодасини топаётган «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури жаҳон андозалари даражасидаги билим масканлари барпо этиш, ёшларга пухта ва мукаммал таълим бериш, улар қалбига миллий қадриятларимизга ҳурмат, она-Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини чуқур сингдириш имконини бермоқда. Истеъдодларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисмига айланганн эътиборлидир.

Бундай эзгу мақсад йўлидаги олижаноб ишларни амалга оширишда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати каби жамоат ташкилотларининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Бир неча йиллардан буён ўтказиб келинаётган «Келажак овози» республика ёшлар кўрик-танлови бунинг ёрқин далилидир. Танлов ғолиблари юртимиздаги нуфузли стипендиялар, улар орасидаги бир гуруҳ истеъдодли қизлар эса Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлмоқдалар.

4-бет





Анжуман

## Ғамхўрлик ва эътибор ифодаси

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Рус академик драма театрида 3 декабрь — Халқаро ногиронлар кунига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бир қатор жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирга тиббий кўмакка муҳтож кишилар, нуроний отахон ва онахонлар таклиф этилди.

Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири вазифасини бажарувчи А.Ҳаитов, Республика Ногиронлар жамияти раиси О.Исоқов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда барча соҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларда аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланганини таъкидладилар.

2-бет



## Гимнастрада фестивали якунланди

Пойтахтимиздаги «Универсал» спорт мажмуида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Гимнастика федерацияси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорлигида Республика гимнастрада фестивали ўтказилди.

Гимнастрада — бадиий ва спорт гимнастикаси, аэробика, акробатика, трамполин каби гимнастиканинг барча йўналишлари, фольклор, замонавий рақс, фитнес машғулотларини ўзида мужассам этган спорт туридир.

Ёшу қари, эркак ва аёл, жисмоний имконияти чекланганлар ҳам шуғулланиши мумкинлиги гимнастраданинг оммавийлигини оширмоқда ва спортнинг бу тури дунё бўйлаб жадал ривожланаётир.

Ўтган йили ноябрь ойида Чирчиқдаги олимпия захиралари спорт коллежи манежида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 14 йиллигига бағишлаб илк маротаба ташкил этилган Республика гимнастрада фестивали юртимизда спортнинг ушбу янги тури ихлосмандлари янада кўпайишига туртки бўлди.

2007 йил мамлакатимиз гимнастрада усталари учун анча муваффақиятли келди. Ўзбекистон гимнастрада жамоаси жорий йилнинг июль ойида Австрияда ташкил этилган Жаҳон гимнастрада фестивалида ҳамюртларимиз намойиш қилган композициялар хорижлик мухлису мутахассислар эътиборига сазовор бўлди.

«Универсал» спорт мажмуида ташкил этилган Республика II гимнастрада фестивалида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 350 нафардан зиёд спортчи учта номинация бўйича ғолиблик учун куч синашди.

Байрамона тарзда ўтказилган беллашувлар натижасига кўра, Тошкент вилояти жамоаси «Энг яхши саҳналаштирилган дастур (композиция)» номинацияси бўйича ғолибликка сазовор бўлди. «Мусиқа, либос ва ҳаракат уйғунлиги» бўйича Навоий вилояти вакилларига етадиган жамоа топилмади. «Композициянинг ўзига хослиги (оригиналлиги)» номинацияси соврини Наманган вилояти гимнастрада усталарига насиб этди.

4-бет





## Кўкпатаснинг ноёб бойлиги

Қизилқум кенгликларидаги қазилма маъданларни қайта ишлаб, соф маъданлар, қимматбаҳо олтин оладиган 1- ва 2-гидрометаллургия заводлари қурилганига 40-45 йил бўлаётган бўлса, Учқудуқдаги 3-олтин саралаш заводига эндигина 12 йил тўлмоқда.

2000 йил бошларига келиб бу ердаги Тўғизтов, Ажибугут, Кўкпатас карьерлари ва мавжуд руда конларига турли русумли қудратли техника воситалари келтирилди. Кўп ўтмай, қайта ишланган Кўкпатас рудаси 2-2,5 миллион тонналик кўрсаткичга чиқди. Ҳар учала карьер тўла ягона компьютер тизимига уланди ва иш мароми икки-уч ҳисса ортди. Олтин заррачалари бириккан рудаларнинг ер қаърида қандай жойлашганлиги ҳам компьютер тизимида ўрганила бошланди. Бундан ташқари, илғор «Биокс» усулида актив сульфидли рудаларни оксидлаб, парчалаш йўли билан олтин ажратиб олиш технологияси яратилди.

— Тўғри, дастлабки хатти-ҳаракатлар биз кутган самарани бермаган пайтлар ҳам бўлди, — дейди заводнинг етакчи мутахассиси Владимир Шамин. — Ҳозир эса йилига 3-3,5 миллион тонна руда қайта ишланаяпти. Ҳозиргача 36 миллион тоннадан зиёд, жорий йилнинг ўзида қарийб 3,5 миллион тонна тоғ жинслари элаклардан ўтказилди. Йил охиригача бу кўрсаткич 40 миллион тоннага етказилади.

**Музаффар ШАРОПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Саломатлик

# «Соғлом маҳсулот»

## ёки бойитилган ун инсон саломатлиги учун кони фойда

Маълумотларга қараганда, юртимизда истиқомат қилувчи аёлларнинг ўртача ёши 70 дан 74,6 ёшга ўсган бўлса, эркакларда бу кўрсаткич 66 дан 70 ёшга чиққан. Шунинг ўзиёқ мустақиллик йилларида эл саломатлигини муҳофазалаш борасида юқори натижаларга эришилаётганидан далолат беради.

Айниқса, инсон соғлиғи учун зарур ун маҳсулотларини сифатли ишлаб чиқаришга ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2001 йилдан эътиборан мамлакатимизда Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда «JFPR» лойиҳаси бўйича ун ишлаб чиқарадиган 14 та корхонада унни бойитиш ишлари бошланди. Дастлабки йилнинг ўзидаёқ 600 минг тонна ун тайёрланди. 2003 йилда мазкур ишнинг Миллий дастури ишлаб чиқилди. Уни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон қўшни давлатлар орасида биринчилардан бўлиб, овқатланишни яхшилаш бўйича глобал Альянс (ОЯГА) грантини қўлга киритди.

Дастур Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ва Жаҳон банки томонидан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Кўзланган асосий мақсад — мамлакатимиздаги барча ун ишлаб чиқарувчи корхоналар ва хусусий тегирмонларни зарур ускуналар билан жиҳозлашдан иборат. Пировардида, йилига витаминлар ва минераллар аралашмаси — премикс билан таъминланган 1,8-2 миллион тоннагача ун бойитилади. 2009 йилгача 90 фоиз аҳоли бойитилган ун билан озиқланиш имконига эга бўлади. Лойиҳанинг умумий қиймати 6 миллион долларни ташкил этиб, унинг қарийб ярми ОЯГА грантидир.

Хўш, ун қандай бойитилади? Табиий ҳолдаги буғдойда B1 (тиамин), B2 (рибофлавин), B3 (ниацин), B6 (пиродоксин) каби витаминлар ҳамда рух ва темир моддалари мавжуд. Қайта ишлаш жараёнида эса инсон саломатлигида муҳим ўрин тутувчи мазкур элементларнинг аксарияти йўқолиб кетади. Шунинг учун ҳам ун ишлаб чиқариш корхоналарида юқоридаги элементлар билан бойитадиган дозаторлар ўрнатиш ишлари жадал амалга оширилди. Ўзбекистонда унни бойитиш учун махсус витамин ва минераллар (премикс) аралашмасидан фойдаланилмоқда. Мазкур аралашмада саломатлик учун зарур фолий кислотаси, темир, рух мавжуд. Ҳозирги кунда асосан 1-навли ун бойитилмоқда. Бунинг учун буғдой янчишнинг сўнгги босқичида дозатор ёрдамида бир тонна унга 150 грамм премикс қўшилади ва тайёр ун махсус — «Соғлом маҳсулот» тамғали қопларга жойланади.

**Эътибор ХЎЖАЕВА, шифокор:**

— Фолий кислотаси — инсон организми учун муҳим микроэлемент. Унинг танқислиги ҳомиладор аёлларда ҳомиланинг туғма мажруҳ бўлиб (фалаж, бош мия асорати каби қатор нуқсонлар билан) дунёга келишига сабаб бўлади.

Темир, йод, фолий кислотаси, кальций ва бошқа микроэлементлар, A, B1, B2, B12 ҳамда C дармондорилари инсон организми учун ниҳоятда зарур. Унинг етишмаслиги эса оналар ўлимининг ортиши, камқонлик, туғма ногиронлик, заифликка олиб келади...

...«Шўрчи дон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятида унни бойитиш борасида талай ишлар амалга оширилмоқда. Халқимизга сифатли ва витаминларга бой ун етказиб бериш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида 1- ва 2-тегирмонларга умумий қиймати қарийб 20 миллион сўмлик 5 та «DBIS-1» дозатор (премиксни унга аралаштириш мосламаси) ўрнатилди. Уч ойда 24 минг тоннага яқин бойитилган 1-навли ун ишлаб чиқарилди.

— Бойитилган ун маҳсулотининг умумий қиймати 4 миллиард 297 миллион 712 минг сўмни ташкил этади, — дейди корхонанинг **режа-иқтисод бўлими бошлиғи С.Остонақулов.** — Бир тонна бойитилган унга 150 грамм премикс қўшилишини инобатга оладиган бўлсак, июнь-август ойларида уч тоннага яқин — 25 миллион 245 минг 500 сўмлик аралашма сарфланди...

**Серка КАТТАЕВ, эндокринолог:**

— Йод етишмаслиги буқоққа сабаб бўлади. Вилоят миқёсида оладиган бўлсак, айниқса шимолий ҳудудлар — Денов, Узун, Сариосиё туманлари аҳолиси бир неча йиллардан буён Тожикистон алюминий заводидан ҳавога тарқалган заҳарли фтордан азият чекмоқда. Аҳоли орасида камқонлик, заифлик, туғма ногиронлик, юрак-қон томир ва бошқа хасталиклар жанубий туманларга қараганда, бу ерда 2-3 баробар ортгани ташвишланарли, албатта. Шунинг учун аҳоли гўшт, хурмо, ёнғоқ маҳсулотлари билан бир қаторда бойитилган ун истеъмол қилса, мақсадга мувофиқ бўлади...

— Айни кунларда овул ва маҳаллаларда ўнлаб хусусий тегирмонлар ҳам ишлаб турибди. Аммо уларда тайёрланаётган ун бойитилмайди. Ҳар бир тегирмонда бир кеча-кундузда 1000-1200 килограммдан ортиқ ун тортилади, — деб ҳикоя қилади **Денов туман давлат солиқ инспекцияси бўлими бошлиғи Шавкат Норқобилов.** — Қишлоқ жойларидаги 3-4 та ана шундай заводчалар йил бўйи аҳолини ун билан таъминлаб келади. Шундай экан, тегишли идоралар қишлоқлардаги хусусий ун тегирмонларини ҳам унни бойитувчи премикслар билан таъминлаш чораларини кўриш пайти келмадимикан?

Зеро, бойитилган ун одамлар соғлиғини муҳофазалаб, шажаралар софлигини сақлайди.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири.**

XORIJDA

## САЙЛОВНИНГ ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАРИ



Россия Федерацияси Давлат думасига сайловлар бўлиб ўтди. Ҳозиргача 85 фоиз сайлов варақалари ҳисоб-китоб қилинди, дейилади «Вести 24» телекомпанияси ахборотида.

Марказий сайлов комиссияси котиби Николай Конкиннинг ахборот беришича, «Единая Россия» партияси етакчиликни қўлга киритган. Дастлабки маълумотларга қараганда, бу партия вакиллари учун 36 миллиондан ортиқ сайловчи овоз берган. Бу эса 63,3 фоизни ташкил этади. Иккинчи ўринда Коммунистик партия кетмоқда. Уни 11,7 фоиз сайловчи қўллаб-қувватлаб овоз берган (6,7 млн. киши). Либерал-демократик партия эса 8,4 фоиз овоз олган. (4,7 млн. киши) Тўртинчи ўринни «Справедливая Россия» партияси эгаллади. Унинг учун 8 фоиз сайловчи (4,3 млн. киши) овоз берган.

Қолган партиялар Давлат думасидан ўрин олиш учун 7 фоизлик «тўсиқ»дан ўтолмадилар. Яъни улар: «Аграрная» партия — 2,5%, «Яблоко» — 1,6%, «Гражданская сила» — 1,1%, «Союз правих сил» — 1,0%, «Патриоты России» — 0,9%, «Партия социальной справедливости» — 0,2%, «Демократическая партия» — 0,1%.

Марказий сайлов комиссияси раиси Владимир Чуровнинг айтишича, тадбирда 60 фоиздан ортиқ сайловчи овоз берди. Сайловнинг расмий якуни 7 ёки 8 декабрь кунлари эълон қилинади.

## РЕФЕРЕНДУМ БЎЛИБ ЎТДИ

Венесуэлада Конституцияга ўзгартишлар киритиш масаласи бўйича умумхалқ референдуми бўлиб ўтди. Сайлов участкалари ёпилгач, 5 соатдан кейинги ҳисоб-китоблар шундан далолат бермоқдаки, «ҳа» ёки «йўқ» дегувчилар сони деярли тенг. Бироқ бу якуний хулоса чиқаришга асос бўлолмайди. Негаки, барча варақалар ҳали тўлиқ ҳисоб-китоб қилинмаган.

«AFP» ААнинг маълум қилишича, Конституцияга 69 та ўзгартиш киритилмоқда. Жумладан, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 16 миллион кишилик аҳоли агар ўзгартишларни ёқлаб овоз берса, мамлакат президенти бир неча бор сайланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бундан ташқари, президент ваколатлари ҳам кенгайтирилган. Масалан, Уго Чавес президентлик вазифасини бажариш билан бирга Марказий банкни ҳам бошқариш ҳуқуқини қўлга киритади. Барча музофот ва муниципалитет раҳбарларини тайинлайди. Фавқулодда ҳолат пайтида айблов эълон қилинмаган тақдирда ҳам ҳукумат фуқароларни ҳибсда ушлаб туриш ҳуқуқига эга бўлади.

✧ ✧ ✧

Чеченистонда ҳам республика Конституциясига ўзгартишлар киритиш юзасидан референдум бўлиб ўтди. «Интерфакс» АА хабар беришича, тушлик пайтигача деярли 60 фоиз сайловчи овоз беришга улгурди. Республика қонунчилигига кўра, 50 фоиздан ортиқ сайловчи қатнашса, референдум ҳақиқий ҳисобланади.



Ушбу ўзгартишларга кўра, президентнинг ва парламентнинг ваколат муддати 4 йилдан 5 йилга узайтирилади, икки палатали парламент эса бир палаталикка айлантирилади, шунингдек, депутатлар сони қисқартирилади. Парламентга референдумсиз ҳам Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилади.

## «ПАРРАНДА ГРИППИ»ДАН ВАФОТ ЭТДИ

Хитой жанубидаги Цзянсу музофотида 24 ёшли йигит «парранда гриппи»дан вафот этди, дея хабар беради «Синхьуда» АА.

Шундай қилиб, айнан «парранда гриппи»дан ўлган кишилар сони расмий маълумотларга қараганда, 17 тага етди. Маҳаллий маъмуриятнинг ахборот беришича, бу йигитга касаллик қандай юққанлиги ҳозирча номаълум. Негаки, ушбу музофотда «парранда гриппи» аломатлари қайд этилмаган.

Умуман, Хитойда H5N1 вируси штаммлари сентябрда қайд этилган эди. Ўшанда Гуанчжоу музофотида ушбу касаллик вируслари тарқалиши оқибатида 10 мингдан ортиқ уй ғозлари қирилиб кетганди. Вирус тарқалишини тўхтатиш учун маҳаллий маъмурият 33 мингдан ортиқ уй паррандасини йўқ қилган.

Ноябрнинг охири декабрнинг бошида эса Европада, аниқроғи, Польша ва Руминияда касаллик ўчоқлари қайд этилган.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, 2003 йилдан бери дунёда «парранда гриппи»ни ўзига юқтирганлар сони 335 кишини ташкил этди. Шундан 206 нафари ҳаётдан кўз юмган.


# «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

2007 ЙИЛНИНГ 4,7,11,14,18,21,25,28 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ АУКЦИОН САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ.

*Савдоларга Тошкент шаҳар ҳудудида жойлашган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қуйидаги ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқи қўйилади:*

Мирзо Улуғбек тумани, Ш.Бурҳонов кўчасида жойлашган, сатҳи 0,025 га. бўлган ер участкаси.

**Бошланғич нархи — 922 500 сўм.**

Ҳумоюн мавзесида жойлашган, сатҳи 0,02 га. бўлган ер участкаси.

**Бошланғич нархи — 1 470 000 сўм.**

Ер участкасининг бошланғич нархига ер участкаларини савдога тайёрлаш билан боғлиқ муҳандислик-геодезия ва лойиҳа ишларини бажаришга сарфланган харажатлар қўшилмаган ва ушбу харажатлар харидорлар томонидан қопланади.

*Шунингдек, савдоларга қуйидаги автотранспорт воситалари ҳам қўйилади:*

Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Мусахонов кўчаси, 38-уйда жойлашган Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 BB 723 бўлган «ГАЗ-2401» русумли автотранспорт воситаси.

**Бошланғич нархи — 729 600 сўм.**

Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Охунбобоев кўчаси, 45-уйда жойлашган «Тошкентвино комбинати» ОАЖнинг 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AT 902 бўлган «ГАЗ-53» русумли автотранспорт воситаси.

**Бошланғич нархи — 2 300 000 сўм.**

«Ўзбекистон шампани» ОАЖ балансида бўлган 100 дона «Е-1500» русумли цистерналар.

**Ҳар бирининг бошланғич нархи — 541 320 сўм.**

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоиз миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг АТИБ «Ипотека-банки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Аризалар қабул қилиш ер участкаларига савдодан уч кун аввал, автотранспорт воситаларига эса савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

*Савдолар Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.*

**Телефон: 133-02-49.**



**Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!**

# Хоразм вилоят ҳокимлиги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси

ҚУРИЛИШ ШАРТНОМАСИНИ БАЖАРИШ УЧУН ЛОЙИҲАГА АСОСАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**1. Хоразм вилояти, Хива тумани, Шомахулум посёлкасидаги наркология шифохонасини капитал таъмирлаш.**

*Буюртмачининг бошланғич нархи —* 338875,91 минг сўм.

Қурилиш муддати — 30 кун.

**Буюртмачи** — Хоразм вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси.

**Манзили:** Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий, 23-уй.

Лойиҳани амалга ошириш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предметининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш базалари, меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлиги, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибасига, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга бўлишлари шарт.

Агар ишлар (хизматлар) билан боғлиқ фаолиятни лицензиялашга тўғри келса, унда танловга ўрнатилган тартибда лицензия олган ёки юқорида кўрсатилган ишлар (хизматлар)ни бажариш учун лицензияга эга ёрдамчи пудратчининг кафолатли хати бўлган талабгорлар қўйилади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов ташкилотчисига мурожаат қилиш зарур.

*Савдо ташкилотчиси —* **Хоразм вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.**

*Манзили:* **Урганч шаҳри, П.Маҳмуд кўчаси, 10. Тел.: 226-92-25.**

*Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 50 000 сўм.*

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

**Урганч шаҳри, П.Маҳмуд кўчаси, 10. Тел.: 226-92-25.**



**Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!**

# Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги 21-қурилаётган корхоналарнинг бирлашган дирекцияси

Қурилиш шартномасини бажариш учун лойиҳага асосан очиқ танлов савдосини эълон қилади:

| № | Объектнинг номланиши | Буюртмачининг бошланғич нархи (минг сўм) | Қурилиш муддати (кун) |
|---|---|---|---|
| | 19-лойиҳа: Хоразм вилоятида оқава сув иншоотларининг қурилиши | | |
| 1. | **Лот №1.** Хоразм вилоятининг Тошсоқа каналида ПК 267+00 оқава сув иншоотининг қурилиши | 465880,6 | 120 |
| 2. | **Лот №2.** Хоразм вилоятининг Шовот каналида ПК 406+00 оқава сув иншоотининг қурилиши | 151323,4 | 120 |

**Буюртмачи** — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги 21-қурилаётган корхоналарнинг бирлашган дирекцияси.

Манзили: **Урганч шаҳри, «Ўзбекистон овози» кўчаси, 2-уй.**

Лойиҳани амалга ошириш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предметининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш базалари, меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлиги, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибасига, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга бўлишлари шарт.

*Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов ташкилотчисига мурожаат қилиш зарур.*

Савдо ташкилотчиси — **Хоразм вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.**

Манзили: **Урганч шаҳри, П.Маҳмуд кўчаси, 10. Тел.: 226-92-25.**

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

**Урганч шаҳри, П.Маҳмуд кўчаси, 10. Тел.: 226-92-25.**



**Мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!**

# Самарқанд вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси

қуйидаги иншоотни тўлиғича қуриб «калити билан» фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдолари эълон қилади:

| № | Объект номи ва манзили | Қурилиш муддати |
|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 |
| | ЛОТ-1-3: | |
| Лот-1 | Булунғур тумани, Чангал қишлоғида ҚВП қурилиши | 4 ой |
| Лот-2 | Пайариқ тумани, Алами қишлоғида ҚВП қурилиши | 4 ой |
| Лот-3 | Самарқанд тумани, Бўзи қишлоғида ҚВП қурилиши | 4 ой |

*Қурилиш ишлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.*

**Савдо ташкилотчиси** — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

**Буюртмачи манзили:** Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, 1-уй, телефон: 8 (366) 235-82-86.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: **Самарқанд шаҳри. Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. Тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.**

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60 000 сўм.

Оферталар савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади:

**Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. Тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.**

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдонида соат 16.00 да Самарқанд вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.



**ЭЪЛОН!**

Тошкент шаҳар, М-13, 30-уй, 19-хонадоннинг йўқолган уй кадастрини топиб олиб қайтарган киши рағбатлантирилади.

**Тел.: 247-94-87, Салима Ҳайтенова.**

